

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.15/30.12.2019.Т.73.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАХКАМОВ АЛИМЖАН ХАМДАМОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙУЛЛАРИ МИСОЛИДА ХАРАКАТ
ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ

05.08.03– Темир йўл транспортини ишлатиш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Махкамов Алимжан Хамдамович Ўзбекистон темир йуллари мисолида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш.....	3
Махкамов Алимжан Хамдамович Развитие системы обеспечения безопасности движения на примере железных дорог Узбекистана	19
Mahkamov Alimjan Hamdamovich Development of the traffic safety system on the example of railways of Uzbekistan.....	36
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.15/30.12.2019.Т.73.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАХКАМОВ АЛИМЖАН ХАМДАМОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙУЛЛАРИ МИСОЛИДА ХАРАКАТ
ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ**

05.08.03– Темир йўл транспортини ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4 PhD/Т2000 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат транспорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tstu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Валиев Мухаммад Шералиевич
техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Арипов Назиржан Мукаррамович
техника фанлари доктори, профессор;

Ибрагимов Умидулла Назриллаевич
техника фанлари номзоди,

Етакчи ташкилот:

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат транспорт университети ҳузуридаги PhD.15/30.12.2019.Т.73.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100167, Тошкент, Темирийўлчилар кўчаси 1-уй. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54; e-mail: rektorat@tstu.uz, tashiit@exat.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат транспорт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100167, Тошкент, Темирийўлчилар кўчаси 1-уй. Тел.: (99871) 299-05-66).

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди. (2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.И. Адилходжаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Я.О. Рузметов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н., доцент

М.Х. Расулов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси ўринбосари,
т.ф.н., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда темир йўл транспортида ташишларни ташкил этиш жараёнида ҳаракат хавфсизлигини юқори даражада таъминлаш масаласи етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Шунга боғлиқ равишда ташиш жараёнининг транспортдаги нохуш ҳолатлар камайишига олиб келувчи хавфсизлик ҳолатини назорат қилишнинг усуллари такомиллаштириш ва янгиларини амалиётга жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Россия темир йўлларида поездлар ҳаракати хавфсизлигининг бузилиш ҳолатларининг таҳлили шуни кўрсатадики, муаммонинг асосий таркибий қисми инсон омили бўлиб, профилактика ишларини ташкил этиш тизимини ишлаб чиқиш тезкор ходимларнинг поезд ва маневр ишларига таъсир кўрсатади ва уларнинг касб фаолиятини 9% га ошириш имконини беради. Шу нуқтаи назардан, темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлигини ташкил этишда бошқариш механизмларини такомиллаштиришга асосланган темир йўл транспортини бошқаришнинг техник қурилмалари ва тизимини сақлашдаги услубий ҳужжатлар ва стандартлардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Жаҳонда ҳаракат хавфсизлиги даражасини оширишда кадрлар малакасини оширишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари фаол олиб борилмоқда. Бу йўналишда поездлар ҳаракати хавфсизлиги даражасини таъминловчи техник қурилмалар ишончлилигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ташиш жараёнида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш давлатлараро темир йўллар ҳамкорлигини яхшилашга хизмат қилади. Ходимларнинг малакасини ошириш ва техник қурилмаларнинг узлуксиз соз ишлаши ҳаракат хавфсизлигининг темир йўл транспортининг аварияларсиз ишлашига қаратилган икки таркибий қисмли тизимдир.

Республикамизда Ҳукумат қарорларига мувофиқ темир йўл тармоғида тармоқ соҳасидаги масалаларни ривожлантириш ва ҳал этиш, жумладан, ҳаракат таркибини модернизация қилиш, линияларни электрлаштириш, янги темир йўлларни қуриш ва поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, "...ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш, йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш" бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Қўйилган вазифаларни амалга ошириш, ҳамда, ахборот таъминоти тизимларини ривожлантиришни такомиллаштириш, ҳаракат хавфсизлиги масалаларида режалаштириш ва қарор қабул қилиш сифатини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”¹ ги Фармони, 2019 йил 1 февралдаги ПҚ-5647-сон “Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 19 февралдаги ПҚ-349-сон “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 4 июлдаги 192-сон “Техник фойдаланишда темир йўл транспорти хавфсизлиги тўғрисида”ги умумий техник қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорида, шунингдек, ушбу фаолият тури билан боғлиқ бошқа меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Муҳандислик алоқаси ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганганлик даражаси. Сўнгги йиллардаги темир йўл транспорти хавфсизлигини таъминлаш тизимини яратишнинг назарий асосларини ишлаб чиқишга оид тадқиқотларга тегишли илмий-техник адабиётларнинг таҳлили, бу соҳада муҳим назарий ва амалий натижаларга эришилаётганидан далолат беради.

Ташиш жараёни хавфсизлигини таъминлаш муаммоларига бағишланган кўплаб илмий мақолалар чоп этилган. Бу йўналишда дунёнинг етакчи илмий марказлари ва таниқли олий таълим муассасалари Technische Universitat Wien (Австрия), «Siemens», Massachusetts Institute of Technology (АҚШ), «Bombardier», Dresden University of Technology (Германия), шу жумладан, Император Александр I номидаги Санкт-Петербург Давлат темир йўллар университети (Россия, ПСУПС), Россия транспорт университети (Россия, МИИТ), Тошкент Давлат транспорт университети (Ўзбекистон, ТДТУ), "Боштранслоиҳа" АЖ (Ўзбекистон) иш олиб бормоқдалар.

Транспорт жараёни хавфсизлиги таъминлашни ташкил этиш масалалари транспорт университет ва институтлари олимлари ишларида ўрганилган бўлиб, улардан С.В. Балалаев, М.Н. Василенко, В.И. Гапеев, А.М. Замышляев, А.Е. Красковский, В.М. Лисенков, Е.Н. Медведев, А.Б. Никитин, Е.Н. Розенберг, В.В. Сапожников, А.Г. Тишанин, R. Jacob, P. Marton, J. Nong ва бошқаларнинг ишлари алоҳида эътиборга сазовор.

Поездлар ҳаракатини ташкил этишдаги техник ва технологик ечим услублари, ҳамда поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдаги ташкилий-бошқарув ечимларини такомиллаштириш масалаларига мамлакатимизнинг таниқли олимлари ишларида алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, К.Т. Худойберганов, Н.Н. Ибрагимов, Н.М. Арипов, С.Ф. Амиров, М.Х. Расулов, Ш.С. Файзибаев, С.К. Худайберганов, М.Ш. Валиев ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони

бошқалар турли йилларда ҳаракат хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларни атрофлича кўриб чиқишган. Аммо, ташкилий-бошқарув йўналишидаги муаммолар эса қисман кўриб чиқилган. Бундан ташқари, транспорт қурилмаларининг шунингдек, ҳаракат таркибининг ҳақиқий ҳолатини баҳолаш учун қоидабузарликларни текшириш ва ҳисобга олиш масалаларида ягона тартибнинг - таркибий бўлинмалар ишидаги ҳамкорлик механизмининг мавжуд бўлиши мақбуллигини алоҳида кўрсатиш лозим.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий ўқув юртининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат транспорт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган “Тошкент – Самарқанд йўналишида юқори тезликдаги йўловчи поездлари ҳаракатини ташкил этиш” мавзуси (илмий асослаш) Д-145, (06-2010 – 12.2-2010), “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Илмий техник кенгаш йиғилишининг 29/1 – сонли баённомаси (2018 йил 28 сентябр), “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ техник даражасини оширишнинг 2019 йил учун ягона комплекс режаси” (27.12.2018 й. даги 2347-НЗ - сонли буйруқ) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш тизимидаги ташкилий-бошқарув ечимларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

омилли таҳлилни қўллаш орқали ҳаракат хавфсизлиги ҳолатини тадқиқ этиш;

хавфсизлик кўрсаткичлари қиймати асосида поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳолатини интеграл баҳолаш усулини ишлаб чиқиш;

темир йўлда юк ташиш хавфсизлиги соҳасида пайдо бўлиши мумкин бўлган ҳодисаларни олдини олишга қаратилган, хатарларни баҳолашга тизимли ёндашувни асослаш;

ҳаракат хавфсизлиги тизимининг ташкилий тузилмасини ишлаб чиқиш ва “ЎТЙ” АЖ да амалга оширилаётган ислохотлар шароитида энг самарали тузилмани таклиф этиш;

бошқарув қарорларини тезкор ва самарали қабул қилиш мақсадида ҳаракат хавфсизлигини бошқаришнинг ахборот тизимини такомиллаштириш;

Тадқиқот объекти сифатида “ЎТЙ” АЖ шароитида темир йўл транспортининг тизим ости функционал қурилмалари ва темир йўл ҳаракат таркиби ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети “ЎТЙ” АЖ да ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш тизими ривожини самарали ташкил этиш услублари ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида миқдорларнинг корреляцион ва регрессив боғлиқлиги, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, дастурий таъминот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

хавфсизлик миқдорлари қийматларидан келиб чиққан ҳолда, авариялар даражасини камайтириш мақсадида ҳаракат хавфсизлиги кўрсаткичларини интеграл баҳолаш усули ишлаб чиқилган;

содир бўлаётган қоидабузарликларнинг олдини олишга қаратилган устувор чора-тадбирларни белгилаш учун поездлар ҳаракати хавфсизлиги ҳолатини таҳлил қилиш асосида хатарларни аниқлаш услуби асосланган;

ҳаракат хавфсизлиги даражасини барқарорлаштириш учун тескари алоқаларни қўллаш орқали темир йўл транспортини бошқариш тизими ташкилий тузилмасининг математик модели ишлаб чиқилган;

ҳаракат хавфсизлиги бузилишларини кузатиш усулларини жорий этиш орқали самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида транспорт жараёни хавфсизлигини автоматлаштирилган бошқариш тизими такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ташиш жараёни хавфсизлиги ҳолатига аниқ баҳо беришга имкон берувчи поездлар ҳаракати хавфсизлиги ҳолатини интеграл баҳолашдан фойдаланиш бўйича тавсиянома ишлаб чиқилган;

тезкорлик билан хавфсизлик бузилишининг олдини олиш, прогноз қилиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича алгоритмлар ва дастурий мажмуалар шаклида инструментал воситалари ишлаб чиқилган;

Транспорт жараёнидаги бузилишларни ҳисобга олиш тизими такомиллаштирилиши асосида ҳаракат хавфсизлиги автоматлаштирилган бошқарув тизимининг ягона мониторинг маркази ташкил этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган натижалар билан статистик маълумотларни таққослаш, тизимлар, механизмлар ва тадқиқот амалиётдан фойдаланиш орқали муаммони ҳал қилиш учун априори ёндашувини қўллаш билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Натижаларнинг илмий аҳамияти темир йўл транспорти бошқарув тизимининг ташкилий тузилмасида тескари алоқаларни қўллаш орқали ҳисоблаш тизимлари, омилли таҳлилларга асосланган ҳолда, ҳаракат хавфсизлиги кўрсаткичларини комплекс баҳолаш, уларнинг хатарларини аниқлаш усуллари, хатар даражасини камайтириш ва бузилишларни олдини олишга қаратилган ҳаракат хавфсизлиги таҳдидларининг илмий-назарий манбалари, модели ва услубларини аниқлашга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳаракат хавфсизлиги кўрсаткичларини тактик моделлар ва статистик таҳлил усуллари ёрдамида башорат қилиш имконини берувчи дастурий мажмуалар кўринишидаги воситаларни ишлаб чиқиш билан изоҳланади. Ташиш жараёни хавфсизлигини бошқариш учун ишлаб чиқилган автоматлаштирилган тизим маълум миқдордаги инвестиция маблағлари жалб этилганда, шунингдек, темир йўл ишининг турли эксплуатация кўрсаткичларида, ҳаракат хавфсизлиги мақсадли даражасини таъминлаш имконини берувчи автоматлаштирилган тизимни

такомиллаштириш асосида ўз вақтида ва самарали бошқарув қарорларини қабул қилишда кенг фойдаланиш имконини яратади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

ташиш жараёни хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ҳаракат хавфсизлиги ҳолатини интеграл баҳолашнинг истиқболли усули ишлаб чиқилган (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 2021 йил 23 июндаги 04/2279-21-сонли маълумотномаси). Ушбу усулни амалиётга татбиқ этиш натижасида ҳаракат хавфсизлиги кўрсаткичи 19% га ошган, оқибатда поездлар ҳаракати ва маневр ишлари хавфсизлигини ташкил этиш даражасини аниқ таҳлил этишга муваффақ бўлинган;

ҳаракат хавфсизлиги ҳолатининг таҳлили асосида хатарларни баҳолашни аниқлаш услуби жорий этилган (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 2021 йил 23 июндаги 04/2279-21-сонли маълумотномаси). Натижада транспорт қоидабузарлик турларининг 20% ёки 5 та асосий (қониқарсиз) ҳолатларида ҳаракат хавфсизлиги рискининг умумий улуши 80% ни ташкил этиши аниқланган. Ўз навбатида бу локомотивлар самарадорлиги, участка ва техник тезликлар ҳамда бошқа сифат кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган устувор чораларни қўллаш имконини берган;

ҳаракат хавфсизлиги масалаларида бошқарув тизимининг ташкилий тузилмаси тавсия этилган (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 2021 йил 23 июндаги 04/2279-21-сонли маълумотномаси). Тескари алоқаларни қўллаш натижасида марказлаштирилган ресурс таъминоти усулидан воз кечиш, минтақавий темир йўл узелларига жавобгарликни юклаш орқали ташишлар хавфсизлигининг мақбул даражасига эришиш таъминланади;

транспорт жараёни хавфсизлигини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими жорий этилган (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 2021 йил 23 июндаги 04/2279-21-сонли маълумотномаси). Натижада темир йўл транспорти эксплуатация ишининг сифат кўрсаткичларини яхшилаш имконини берувчи ҳаракат хавфсизлигини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини стратегик ривожлантириш ҳамда бошқарув қарорларини тез ва самарали қабул қилиш имкони пайдо бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари 5 та илмий-амалий, шу жумладан 2 та халқаро ва 2 та миллий илмий-техник анжуманларга тақдим этилган ва муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация ишининг асосий қоидалари ва илмий натижалари 12 босма асарда чоп этилган. Улардан 6 та мақола Ўзбекистон Республикаси диссертациянинг илмий натижаларини эълон қилиш учун Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган адабиётлар рўйхатига киритилган нашрларда чоп этилган, шунингдек, дастурий маҳсулотга гувоҳнома олинган (№ DGU 12613).

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг тузилиши кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 125 бетни ташкил этади.

II. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурати, Ўзбекистон Республикаси фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мос келувчи мақсад ва асосий вазифалари, шунингдек, объектлар ва мавзуларнинг тавсифи, илмий янгилиги ва амалий натижалари, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи “**Ҳаракат хавфсизлигини ташкил этишга оид асосий тамойиллар ва усуллар**” бобида темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлигининг 13 йил давомидаги ҳолати ўрганилади ва таҳлил қилинади. Таҳлил “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибий бўлинмаларининг ишлаб чиқариш фаолияти кўрсаткичлари асосида амалга оширилган (1-расм). Таҳлил асосида ҳаракат хавфсизлигининг бузилиш ҳолатлари таснифига мувофиқ кўриб чиқилган, содир бўлган қоидабузарликлар кесимидаги юк айланмаси динамикаси келтирилган.



1-расм. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бўйича юк айланмаси кесимида поездлар ҳаракати хавфсизлигининг график кўрсаткичлари

Хавфсизлик бузилишининг сабаблари таҳлил қилинган ва улар асосида ҳаракат хавфсизлиги кўрсаткичларига инсон, техник ва ташқи омиллар каби омилларнинг таъсири ўрганилган. Натижада ҳаракат хавфсизлиги кўрсаткичларига турли омиллар таъсирини тезкор таҳлил қилиш ва пайдо бўладиган сабабларнинг олдини олишга қаратилган масалаларни ҳал этишга мақсадли ёндашиш имкони пайдо бўлган.


Таҳлиллар асосида ҳаракат хавфсизлиги қоидабузарликлари кўрсаткичлари беқарор эканлиги аниқланган ва ташиш жараёни

хавфсизлигига интеграл баҳо берилган, йўл қўйилаётган қоидабузарликлар сабабларининг асосий мезонлари аниқланган. Ушбу диссертация доирасидаги муаммоларни бартараф этиш учун авариялар даражасини таҳлил қилиш ва прогноз қилишнинг меъёрий-услубий асосларини ривожлантириш борасида темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш вазифаси қўйилган деган хулосага келинган.

Ҳаракат хавфсизлиги даражасига интеграл баҳо беришни чизма шаклида қуйидагича тасвирлаш мумкин (2-расм).

Ушбу тизим 4 даражани ўз ичига олади. Даража қанча юқори бўлса, ҳаракат хавфсизлиги даражаси ҳам юқори бўлади. Ҳар бир даража хавфсизлик даражасининг маълум миқдорига мос келади:

- 1-чи даража (ҳаракат хавфсизлигининг қониқарсиз ҳолати);
- 2-чи даража (ҳаракат хавфсизлигининг қониқарли ҳолати);
- 3-чи даража (ҳаракат хавфсизлигининг мақбул ҳолати);
- 4-чи даража (ҳаракат хавфсизлигининг юқори ҳолати);



2-расм. Ҳаракат хавфсизлиги даражасининг интеграл баҳоси

2-расмдаги R_1 , R_2 и R_3 даражалар орасидаги чегараларни билдиради. “ЎТЙ” АЖда ҳаракат хавфсизлигининг мақсадга мувофиқ кўрсаткичларига интилиш ҳаракат хавфсизлиги ҳолатини бошқариш ва зарур ҳолларда авариялар даражасини камайтириш мақсадида хавф манбаларига таъсир кўрсатиш бўйича чора-тадбирларни фаол ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини беради.

Диссертациянинг иккинчи “**Ташиш хавфсизлигини таъминлаш усуллари**нинг илмий асосларини такомиллаштириш” бобида темир йўл транспортида хатарларни аниқлаш усули ишлаб чиқилган. Ҳаракат хавфсизлиги ҳолатини таҳлил қилиш асосида хатарларни баҳолаш ва “ЎТЙ” АЖ га нисбатан хатарни ҳисоблаш ва даражалаш ифодалари аниқланган. i -турдаги ҳаракат хавфсизлиги бузилиши қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$\Psi_i = \frac{\sum_{j=1}^n N_{ij}}{\Delta t} \quad (1)$$

бу ерда N_{ij} – i -турдаги j – миқдордаги хавфсизлиги бузилиш сони;

Δt – вақт чегараси, йил.

Ҳаракат хавфсизлиги бузилиши хатари қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$R_i = \Psi_i \times \sum_{i=1}^n Y_i \quad (2)$$

бу ерда Y_i – i -турдаги хавфсизлиги бузилишидан келган зарар.

“ЎТЙ” АЖ нинг ифодалари ва статистик маълумотлари асосида ҳаракат хавфсизлиги бузилиши умумий хатари ҳисобланади, сўнгра ҳаракат хавфсизлиги бузилиши умумий хатар R ни камайиб бориши тартибида даражаланиб, якуний жадвал шакллантирилади.

Ҳаракат хавфсизлиги бузилишининг хатар энг юқори миқдорга эга бўлган ҳолатини аниқлаш учун Парето диаграммаси қурилган (3-расм).

“ЎТЙ” АЖ да ҳаракат хавфсизлиги бузилишининг хатар энг юқори миқдори ҳаракат таркибининг маневр ва бошқа ҳаракатлар вақтидаги рельсдан тушиб кетиши ҳолатига тўғри келади ($R=918\ 376\ 896,1$).



3-расм. “ЎТЙ” АЖ да ҳаракат хавфсизлиги бузилиши хатарлари келтирилган Парето диаграммаси

Ҳаракат таркибининг маневр ва бошқа ҳаракатлар вақтидаги рельсдан тушиб кетиши ҳолатининг асосий сабаблари қуйидагилар:

- маневр ишларида қатнашаётган ходимнинг қисқа вақт давомида ишга яроқсиз ҳолда бўлиши (хушёрликни йўқотиш);
- иш вақтида алоқа воситаларидан гаплашиш регламенти талабларининг бузилиши;
- ўйламасдан ва доимий равишда йўриқномалар талабларига зид келувчи ҳаракатлар (ўзининг лавозим мажбуриятларини бажармаслик).

“ЎТЙ” АЖ да ҳаракат хавфсизлигини кучайтириш ва инфратузилма объектларининг фаолияти самарадорлигини ошириш учун хатарларни камайтириш бўйича уларни миқдорига боғлиқ муайян харажатларни ўз ичига олган махсус дастурлар кўзда тутилиши зарур.

Диссертациянинг учинчи **“Ташишлар хавфсизлиги тизимига ташкилий тузилманинг таъсирини баҳолаш услубини ишлаб чиқиш”** бобида SWOT-таҳлиллари асосида хавфсизлик даражасини такомиллаштириш стратегияси ишлаб чиқилди. У “ЎТЙ” АЖ нинг кучли ва заиф томонларини таққослаш, ташқи муҳит имкониятлари ва таҳдидларини баҳолаш асосида оптимал стратегияни шакллантириш имконини беради (1-жадвал).


1-жадвал

Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш тизимининг SWOT-таҳлили

<i>Муҳитнинг ижобий омиллари</i>	<i>Муҳитнинг салбий омиллари</i>	<i>Муҳит тури</i>
S (Strength) – Кучли томонлар	W (Weak) – Заиф томонлар	<i>Ички муҳит</i>
1. Тузилмавий корхоналардаги самарали ишлаётган ҳаракат хавфсизлигини бошқарув тизими. 2. Тажрибали ва юқори малакали ходимлар. 3. Техник қурилмаларни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатишнинг созланган технологиялари 4. Компания инновация дастурларини Давлат томонидан қувватланиши.	1. Асосий фондларнинг эскириши. 2. Техник қурилмаларнинг намуналари ва уларни диагностика усулларининг эскириши. 3. Темир йўл транспорти объектларини жорий сақлаш ва таъмирлашга маблағ етишмаслиги. 4. Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш тизимида юқори малакали ходимларнинг етишмаслиги.	
O (Opportunities) – Имкониятлар	T (Threats) – Хатарлар	<i>Ташқи муҳит</i>
1. Ҳаракат хавфсизлигини бошқарув тизимини автоматлаштиришнинг жорий этилиши. 2. Ҳаракат хавфсизлиги соҳасида замонавий рискларни бошқариш қурилмалари ва технологияларини қўллаш. 3. Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида илмий асосланган, ресурсларни тарқатиш бўйича тизимли қарорларни аниқлашни жорий этиш. 4. Ҳаракат хавфсизлиги ҳолатини яхшилаш мақсадида хусусий инвесторлардан молия маблағларини жалб этиш.	1. Юқори малакали ходимларнинг ишдан кетиши. 2. Компания ташкилий тузилмаси ислоҳоти оқибатида тузилмавий даражада ҳаракат хавфсизлиги бошқарувининг йўқолиши. 3. Ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга йўналтириладиган харажатларнинг камайрилиши. 4. Темир йўл транспорти объектларидаги оғир об-хаво – иқлим шароитлари.	

Ишлаб чиқилган SWOT-таҳлилининг бирламчи матрицаси асосида ҳаракат хавфсизлиги соҳасидаги стратегик ривожланишнинг 4 йўналишини ўз ичига олган корреляцион (иккиламчи) матрица тузилган. Ўтказилган корреляцион SWOT-таҳлили асосида жамиятнинг кучли томонларидан фойдаланган ҳолда хатарларни енгиб ўтиш “Ҳаракат хавфсизлиги кўрсаткичларини йиғиш, сақлаш, таҳлил ва прогноз қилиш ҳамда замонавий бошқарув технологиялари ва ҳаракат хавфсизлиги бошқариш механизмларини қўллаш орқали хавфсизлик тизимини такомиллаштириш учун автоматлаштирилган ахборот-таҳлилий тизимларни жорий етиш” имкони аниқланган. Ташиш жараёни хавфсизлиги миқёсида тескари алоқага эга бўлган бошқариш моделини танлашда хавфсизлик даражаси пастроқ бўлган уч босқичли модели тавсия етилади.

Бошқаришнинг вертикал-интеграцияланган модели $w_1(p)$ – бошқарув маъмурий девони (БМ), $w_2(p)$ – минтақавий маъмурий узел (ММУ), $w_3(p)$ – узел корхоналаридан иборат (УК) (4-расм).



4-расм. Бошқаришнинг тескари алоқага эга бўлган уч босқичли модели

Бошқаришнинг уч босқичли модели барқарорлигини таъминлаш мақсадида учинчи тартибдаги чизикли мустақил тизимдан фойдаланамиз:

$$\begin{cases} \frac{dx}{dt} = a\gamma, \\ \frac{d\gamma}{dt} = b\beta, \\ \frac{d\beta}{dt} = -v(x - X) \end{cases} \quad (3)$$

Бу ерда x и X – мос равишда хавфсизликнинг амалдаги ва режадаги кўрсаткичлари;

β – (РУ) хавфсизлигининг режадаги кўрсаткичлари;


γ – (УП) ҳаракат хавфсизлигининг режадаги кўрсаткичлари;

a, b, v ($a > 0, b > 0, v > 0$) – бошқариш омилларининг БМ, БМУ ва УК ларнинг хавфсизлик ҳолатига таъсир даражаси.

Юқоридаги сингари бошқаришнинг тескари алоқага эга бўлган 5 турдаги, яъни узел корхоналари, минтақавий узел, узел корхоналари ва минтақавий

узел, бошқарув аппарати, минтақавий узел ва узел корхоналари каби турли алоқали вариантлари кўриб чиқилган.

5-расмда бир блокка бирлаштирилган узел корхоналар блоклари ва уларнинг тескари алоқалари, шунингдек минтақавий узеллар ва бошқарув аппаратининг эквивалент қийматларидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолдаги модели келтирилган.



5-расм. Бошқарув девони, минтақавий узеллар, узел корхоналари даражасидаги тескари алоқали уч босқичли бошқарув модели

Тенглик илдизларининг қийматлари натижаларига асосланган ҳисоб-китобларга таяниб, турли турдаги алоқага эга бўлган уч босқичли бошқарув модели $\mu \geq 1$ ифодада тизим барқарорлиги таъминланади.

Тавсия етилган тузилма бизнес блокларини яққаланиши, ресурсларни таъминлаш ва марказ даражасидаги маъмурий ваколатларни марказлаштириш билан боғлиқ бир қатор муаммолардан қочиш имконини беради.


Тўртинчи Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлигини ташкил этишда бошқарув механизмларини такомиллаштириш бобида хатарларга келгусида йўл қўймаслик чораларининг йўналишини кучайтирувчи, тезкор ва самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида ташиш жараёнининг хавфсизлигини бошқаришнинг дастурий таъминот учун тавсия этилади.

Компьютер тизимлари асосида ахборотларни йиғиш ва қайта ишлашнинг янги технологияларини қўллаш орқали ҳаракат хавфсизлиги ахборот таъминотини такомиллаштириш бугунги кунда долзарб вазифа ҳисобланади. “ЎТЙ” АЖ ягона автоматлаштирилган бошқарув мониторинги тизимининг умумлаштирилган ташкилий чизмаси келтирилган (6-расм).

Кичик салбий ҳодисаларсони кўпайиши оқибатида оғир оқибатли ҳодисалар (ҳалокатлар, авариялар) содир бўлиш эҳтимоли ортиб борганлиги туфайли ҳаракат хавфсизлигининг автоматлаштирилган бошқарув тизими ўз ичига максимал салбий омилларни қамраб олиши керак. Ҳаракати хавфсизлиги бузилишлари таҳлили, унинг сабаб ва оқибатлар миқдорини аниқлашни ҳисобга олган ҳолда, автоматлаштирилган бошқарув тизими маълумотлари асосида амалга оширилади.

Автоматлаштирилган модуль (АРМ ДНС, ДСП, АСК ПС) ва автоматлаштирилган бошқарув тизими ягона нозирлик марказидан олинган маълумотлар ҳаракат хавфсизлиги бузилишлари ҳамда техник воситаларнинг носозлиги тўғрисидаги маълумотлар қайд этиладиган мониторинг Марказига

юборилади. Шунингдек, Марказда объектларда кунига йўл қўйилган бузилишлар ҳам қайта ишланади. Бундан ташқари, техник қурилмаларнинг носозликлари орасидаги интерваллар қайта ишланиб, беҳато ишлаш жараёнининг пайдо бўлиш даври ҳисоблаб чиқилади.




6-расм. Минтақавий миқёсида йўл ҳаракати хавфсизлигини назорат қилиш тизимининг таркибий схемаси

Таклиф этилаётган автоматлаштирилган тизимда касблар рўйхати, зарарлар таснифи, зарар сабабларининг таснифи, вагонлар типи таснифи, автоматика ва алоқа қурилмалари, кўзда тутилган жазо чоралари, ҳаракат хавфсизлигини таъминловчи меъёрий-техник ҳужжатларни ўз ичига олган меъёрий-сўров маълумотларини сақлаш блоки муҳим рол ўйнайди.

Ҳаракат хавфсизлигининг автоматлаштирилган бошқарув тизими биринчи навбати ва ташқи тизимлар меъёрий-сўров маълумотларининг синхронлаш муҳимлигини қувватлаш мақсадида ҳаракат хавфсизлигининг автоматлаштирилган бошқарув тизими ва бошқа автоматлаштирилган тизимлари муаллифлари ҳамкорлигининг ташкилий-технологик тартиби белгиланиши лозим.

Ҳаракат хавфсизлигининг автоматлаштирилган бошқарув тизими келтирилган (7-расм).



7-расм. Автоматлаштирилган йўл ҳаракати хавфсизлигини бошқариш тизимининг диаграммаси

“ЎТЙ” АЖ тузилмавий корхоналари бўйича транспорт жараёни хавфсизлигини бошқаришнинг Маълумот тизимини ишлаб чиқиш учун Техник шартлар таклиф этилган.

“ЎТЙ” АЖ учун келгусида электрон усулга ўтиб, қоғоз ишини йўқотувчи, барча қоидабузарликларни, меъёрий-сўров маълумотларини автоматик равишда ҳисобга ва рўйхатга оладиган, хавфсизлик мезонларини аниқлайдиган, аниқ мониторинг маълумотларини киритиш имконини берувчи, шунингдек статистик таҳлил услубларини қўллаган ҳолда ҳаракат хавфсизлигининг кўрсаткичларини прогнозини амалга ошириш имконини берадиган автоматлаштирилган бошқарув тизимининг ягона мониторинг марказини тузиш кўриб чиқилмоқда (8-расм).

ЕЦМ АСУ АО "ЎТЙ"

ЕДИНЫЙ ЦЕНТР МОНИТОРИНГА АСУ АО "ЎТЙ"

Сегодня 26.11.2021
12:22:00

Структурное подразделение АО "ЎТЙ" Предприятие дорожного подчинения АО "ЎТЙ" Архив отчетности по бракам Нормативно-технические документы

Управление организации перевозок [] За март 2021 год Правила технической эксплуатации (ПТЭ)

Оперативная информация о состоянии безопасности движения поездов по структурным подразделениям АО "ЎТЙ" [Печать](#)

№п/п	Предприятие, РЖУ	Начало и окончание устр-я	Обстоятельство нарушения	Причина случая и нарушение НТД	Фактор нарушения	Принятие решения и классификация	Ущерб(виновное лицо)
1	ст. Тукимачи, РЖУ-1	30.01.2020 г 07:10	Отправление по неготовому маршруту	Потеря контроля, ИДП	Человеческий	Взрез стрелки	6 485 710 сум
2							
3							
4							
5							
6							
7							
8							
9							
10							
11							
12							
13							
14							
15							
16							
17							
18							
19							
20							
21							
22							
23							
24							

8-расм. “ЎТЙ” АЖ учун ҳаракат хавфсизлиги бузилишларини ҳисобга олувчи автоматлаштирилган бошқарув тизимининг ягона мониторинг маркази

Ягона мониторинг маркази (кейинги ўринларда ЯММ) “ЎТЙ” АЖ нинг Ягона диспетчерлик маркази маъмурий биносида жойлашади, Техник ва Технологик назорт бошқармасига тўғридан-тўғри бўйсунади.

ЯММ иш тизими поездлар ҳаракати бажариш жадвалига асосан Ягона диспетчерлик маркази билан бевосита чамбарчас боғланган бўлади.

Поездлар ҳаракати хавфсизлигини бошқариш доирасига дастур татбиқ этиш натижасида иқтисодий фойда 123,63 млн. сўмни ташкил этади ва иқтисодий жиҳатдан фойдали деб ҳисоблаш мумкин.

ХУЛОСА

Диссертация ишида темир йўл соҳасидаги ислохотлар шароитида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришнинг назарий асослари ва амалий услублари таклиф этилган. Олинган асосий натижаларга куйидагилар киради:

1. Келтирилган аналитик ҳисоблардан кўриниб турибдики, ҳаракат хавфсизлиги даражаси беқарор характерга эга. Йўл қўйилган қоидабузарликлардан етказилган зарарни ҳисоблашда шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, транспорт ҳодисаларининг умумий сонини 20% атрофида камайтирилганда, асосий айбдор инсон омили бўлган ва катта иқтисодий зарар етказган алоҳида ҳодисалар туфайли зарар миқдорининг 5 баробар кўпайиши кузатилган.

2. Ҳаракат хавфсизлиги даражасининг интеграл баҳолаш услубига кўшиб ҳисобланган ҳаракат хавфсизлиги соҳасидаги кўрсаткичларда унинг қониқарсиз динамикаси кузатилади, бу авариялар сонининг вақти-вақти билан кўпайишига олиб келади. Бу транспорт ҳодисалари олдини олиш учун чора-тадбирлар тизимли эмаслиги туфайли: ҳаракат хавфсизлиги ҳолатини фақат қисқа муддатга яхшилаш имконини берадиган бир марталик ("нуқтавий") чора-тадбирлар кўп қўлланилади. Ҳаракат хавфсизлиги даражасининг интеграл баҳолаш услуби авариялар даражасини камайтиришга қаратилган.

3. Поездлар ҳаракат хавфсизлиги ҳолатини таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган хавфларни аниқлашнинг сифатли усуллари ҳаракат хавфсизлигига таҳдидларнинг манбаларини, воқеалар кетма-кетлигини аниқлаш ва пайдо бўладиган қоидабузарликларнинг олдини олишга қаратилган устувор чора-тадбирларни белгилаш имконини беради.

4. Фаолиятнинг барқарорлиги мезонларига жавоб берадиган ташкилий тузилмани яратиш таклифи тавсия етилган. Тадқиқот В. М. Ляпунов услубига мувофиқ амалга оширилган, натижада темир йўл транспортида бошқарув тизимининг тескари алоқали уч босқичли математик модели ҳаракат хавфсизлиги даражасини барқарорлаштириш учун мақбул эканлиги исботлаб берилган. Ўз навбатида, бу минтақавий узелларга жавобгарликни юклаш орқали ресурслар билан таъминлашнинг марказлаштирилган усулини истисно қилиш имконини беради.

5. Автоматлаштирилган ҳаракат хавфсизлиги бошқариш тизимини ишлаб чиқиш стратегиясини ишлаб чиқиш, ахборот йиғиш ишончлилигини ошириш билан бир қаторда, диссертацияда ишлаб чиқилган стратегик ва тактик моделлар ва статистик таҳлил усулларида фойдаланган ҳолда маълумотлар базаси кўрсаткичларини прогноз қилиш имконини беради. Шу мақсадда самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш учун транспорт жараёнининг хавфсизлигини бошқаришнинг автоматлаштирилган усули такомиллаштирилди. Бу ҳаракат хавфсизлигининг мақсадли даражасини, шунингдек "ЎТЙ"АЖ ишининг турли параметрларида маълум миқдорда инвестициялар билан таъминлаш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ НАУЧНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD.15/30.12.2019.Т.73.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТРАНСПОРТНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТРАНСПОРТНЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

МАХКАМОВ АЛИМЖАН ХАМДАМОВИЧ

**РАЗВИТИЕ СИСТЕМЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ БЕЗОПАСНОСТИ
ДВИЖЕНИЯ НА ПРИМЕРЕ ЖЕЛЕЗНЫХ ДОРОГ УЗБЕКИСТАНА**

05.08.03 – Эксплуатация железнодорожного транспорта

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии по техническим наукам (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.4.PhD/Т2000.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном транспортном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (русский, узбекский, английский (резюме)) размещён на веб-сайте Научного Совета (www.tstu.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Валиев Мухаммад Шералиевич
кандидат технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Арипов Назиржан Мукаррамович
доктор технических наук, профессор

Ибрагимов Умидулла Назриллаевич
кандидат технических наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация:

Ташкентский государственный технический университет имени Ислама Каримова

Защита диссертации состоится «__» _____ 2021г. в ____ часов на заседании Научного совета PhD.15/30.12.2019.Т.73.01 при Ташкентском государственном транспортном университете. Адрес: 100167, Ташкент, Темирийулчилар, 1. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54, e-mail: tashiit_rektorat@mail.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в Ташкентском государственном транспортном университете (регистрационный номер - ____). Адрес: 100167, Ташкент, ул. Темирийулчилар, 1. Тел.: (998971) 299-05-66.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021года,
(протокол реестра № ____ от «__» _____ 2021 года).

А.И. Адилходжаев

Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

Я.О. Рузметов

Учёный секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
к.т.н., доцент

М.Х. Расулов

Заместитель председатель Научного семинара
при Научном совете по присуждению
учёных степеней, к.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире в процессе организации перевозок железнодорожным транспортом занимают ведущие позиции такие вопросы, как обеспечение высокого уровня безопасности движения. В этой связи особое внимание уделяется на совершенствования и внедрения в практику новых методов контроля состояния безопасности перевозочного процесса, способствующих снижению возникающих транспортных происшествий. Анализ нарушений безопасности движения поездов на железной дороге России, показывает, что основной составляющей проблемы является человеческий фактор, разработка системы организации профилактической работы позволяет воздействовать и повысить на 9% на профессиональную деятельность оперативного персонала в процессе исполнения поездной и маневровой работы. С этой точки зрения эффективное использование методических документов и стандартов по содержанию технических средств и системы управления железнодорожным транспортом, на основе совершенствования управленческих механизмов в организации безопасности движения на железнодорожном транспорте имеет немаловажное значение.

В мире осуществляется научно-исследовательские работы, направленные на совершенствование уровня обеспечения безопасности движения, связанные с повышением квалификации персоналов. В этом направлении особое внимание уделяется улучшению надежности технических средств, которые обеспечивают уровень состояния безопасности движения поездов. Обеспечение безопасности движения в перевозочном процессе повлияет на улучшение межгосударственных железнодорожных сообщений. Повышение квалификации персонала и безотказная работа технических средств — это двухкомпонентная система безопасности движения поездов, направленная на безаварийную работу железнодорожного транспорта.

В Республики Узбекистан в железнодорожной отрасли осуществляются широкомасштабные мероприятия в соответствии решений правительства по развитию и решению вопросов в области транспортной сети, в том числе модернизация подвижного состава, продолжение электрификации линий, строительство новых железнодорожных путей, обеспечения безопасности движения поездов. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы указаны задачи, в том числе «...модернизация производства, техническому и технологическому обновлению производства, дальнейшему развитию дорожно-транспортной инфраструктуры, внедрению информационно-коммуникационных технологий в экономику, социальную сферу, системы управления». В реализации этих задач, в том числе для совершенствования развития систем информационной поддержки, повышения качества планирования и принятия решений в вопросах безопасности движения приобретает важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит решению задач, предусмотренных в Указах и Постановлениях Президента

Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»², №УП-5647 от 1 февраля 2019 года «О мерах по коренному совершенствованию системы государственного управления в сфере транспорта», №УП-6079 от 05 октября 2020 года «Об утверждении Стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» и мерах по ее эффективной реализации» и в Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан №192 от 4 июля 2012 года об Утверждении общего технического регламента «О безопасности железнодорожного транспорта при технической эксплуатации», а также в других нормативно-правовых документах, относящихся к данному виду деятельности.

Соответствие исследования с приоритетным направлением развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики: II «Развитие и модернизация инженерно-коммуникационной и дорожно-транспортной инфраструктуры».

